



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VETERINARIYA VA CHORVACHILIKNI
RIVOJLANTIRISH QO'MITASI**

**SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI,
CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NUKUS
FILIALI**

**"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB
MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro
ilmiy va ilmiy-texnik konferensiya materiallari**

TO'PLAMI

13-noyabr 2025-yil

СБОРНИК материалов

**международной научно и научно-технической конференции на тему
"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И
ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"**

13 ноября, 2025 г

**International scientific and scientific-technical conference
"ACTUAL PROBLEMS OF VETERINARY MEDICINE AND LIVESTOCK
AND THEIR SOLUTIONS"**

November 13, 2025

NUKUS-2025

“Veterinariya meditsinasi va chorvachilikdagi dolzarb muammolar va ularning yechimlari”
Xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik konferensiyasi materiallari [Matn]: to‘plam / Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filiali. – Nukus: “Golden Print Nukus” nashriyoti, 2025. – 389 b.

Anjuman tashkiliy qo‘mitasi

Tashkiliy qo‘mita raisi: Esimbetov Adilbay Tlepovich, b.f.d., professor;

Tashkiliy qo‘mita raisi muovini: Avezimbetov Shavkat Dosumbetovich, v.f.n.;

Tashkiliy qo‘mita kotibi: Rozumbetov Kenjabek Umar og‘li, b.f.f.d.;

D. Bazarbayeva – “Veterinariya diagnostikasi va oziq-ovqat xavfsizligi” kafedrasida katta o‘qituvchisi, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

Tashkiliy qo‘mita a‘zolari:

Sh. Jabbarov – O‘zbekiston Respublikasi Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo‘mitasi boshqarmasi boshlig‘i o‘rinbosari, veterinariya fanlari doktori, professor.

X. Yunusov – Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti rektori, biologiya fanlari doktori, professor.

M. Y. Karpuxin – Ural davlat agrar universitetining ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori, agrar fanlar doktori, dotsent (Rossiya Federatsiyasi)

N. G. Malkov – N. F. Vereshagin nomidagi Vologda davlat sutchilik akademiyasi rektori, texnika fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya Federatsiyasi)

A. Abdurasulov – Qirg‘iziston Respublikasi O‘sh davlat universiteti “Veterinariya meditsinasi va biotexnologiyasi” kafedrasida mudiri, qishloq xo‘jalik fanlar doktori, professor. (Qirg‘iziston Respublikasi)

R. Miqtibayeva – Qozog‘iston milliy agrar tadqiqot universiteti “Mikrobiologiya va virusologiya” kafedrasida professori, veterinariya fanlari nomzodi. (Qozog‘iston Respublikasi)

S. Mirzakulov – Olmaota texnologiya universiteti “Oziq-ovqat mahsulotlari texnologiyasi” kafedrasida professori, qishloq xo‘jalik fanlar doktori, dotsent. (Qozog‘iston Respublikasi)

Q. Atanazarov – O‘quv ishlari bo‘yicha direktor o‘rinbosari, biologiya fanlari nomzodi, dotsent.

A. Mambetnazarov – Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagog kadrlarni tayyorlash bo‘limi boshlig‘i, qishloq xo‘jalik fanlar doktori, dotsent.

A. Kaniyazov – “Veterinariya va zootexnologiya” fakulteti dekani, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

X. Mamatov – “Zootexnologiya” kafedrasida mudiri, qishloq xo‘jalik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

R. Turg‘anbayev – “Zootexnologiya” kafedrasida professori, agrar fanlar doktori

A. Kamalova – “Veterinariya meditsinasi va farmakologiyasi” kafedrasida mudiri, veterinariya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

P. Xojalepesov – “Iqtisodiyot va gumanitar fanlar” kafedrasida mudiri, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent.

R. Rzaev – “Veterinariya diagnostikasi va oziq-ovqat xavfsizligi” kafedrasida mudiri, biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

Ushbu to‘plam O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2024-yil 27-dekabrda 490-son buyrug‘i bilan oliy ta‘lim tashkilotlari hamda ilmiy tashkilotlarda 2025-yilda o‘tkaziladigan xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy anjumanlar, simpoziumlar, seminarlar va boshqa ilmiy hamda ilmiy-texnik tadbirlar ro‘yxati 2-ilovasiga muvofiq tasdiqlangan – 2025-yilda xalqaro miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasi asosida Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filialida 2025-yil 13-noyabr kuni – **“Veterinariya meditsinasi va chorvachilikdagi dolzarb muammolar va ularning yechimlari”** mavzusida o‘tkazilgan Xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik konferensiyasi materiallari asosida tuzilgan.

Konferensiyada, veterinariya sohasida faoliyat olib borayotgan universitet va filialarning professor-o‘qituvchilari, ilmiy markazlarning va insitutlarning ilmiy xodimlari, doktorantlar, magistrantlar, iqtidorli yosh tadqiqotchilarning ilmiy-tadqiqot ishlariga bag‘ishlangan maqolalar o‘rin olgan

To‘plamga kiritilgan maqolalar materiallarining to‘g‘riligi va haqqoniyligiga mualliflar mas‘ul hisoblanadi.

© Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filiali, 2025

© “Golden Print Nukus” nashriyoti, 2025

- rabbits feeded with probiokorm probiotics // Pedagog. 2025. Vol. 80, № 1. P. 232–235.
4. 4. Semak A.E. et al. Improving the quality of evaluation of meat products // Entomol. Appl. Sci. Lett. 2021. Vol. 8, № 2–2021. P. 78–84.
 5. 5. Lerm S. Et al. Time efficient methods for scanning a fluorescent membrane with a fluorescent microscopic imager for the quality assurance of food // Sensing for Agriculture and Food Quality and Safety V. 2013. Vol. 8721. P. 53–63.
 6. 6. Pospiech M. Et al. Microscopic methods in food analysis // Maso Int. Brno. 2011. Vol. 1. P. 27–34.
 7. 7. Fernández-Pérez R., Rodríguez C.T., Ruiz-Larrea F. Fluorescence microscopy to monitor wine malolactic fermentation // Food Chem. Elsevier, 2019. Vol. 274. P. 228–233.
 8. Avezimbetov, S. D., Togaymuradov, M. S., & Bazarbaeva, A. A. (2021). Induction of superovulation in cattle. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(10), 1778-1781.
 9. Dosumbetovich, A. S., & Komoladdinovich, K. S. (2021). New effective methods of treatment of persistent infertility in cows.
 10. Shavkat, A., Kural, A., & Maryam, Y. (2025). THE IMPLEMENTATION MECHANISM OF DIGITAL TRANSFORMATION TO ENHANCE EDUCATIONAL EFFICIENCY IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS. Advanced methods of ensuring the quality of education: problems and solutions, 2(4), 93-97.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАРИ ГЕЛЬМИНТОФАУНАСИНING ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

Наржанова М.¹, Сарсенбаев И.Е.¹, Амангелдиев У.А.¹, Дильманова А.И.²

¹*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали,*

²*Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти*

Бугунги кунда мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон шароитида қатор саноат соҳаларининг ривожланиши билан биргаликда, чорвачилик ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда ва соҳанинг ривожланиш самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Маълум ҳудуд биоценозларини мукаммал ўрганмасдан туриб, табиий ресурсларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан фан ва амалиёт учун ёввойи ҳайвонлар паразит чувалчанглари ўрганиш, жумладан ҳудуд йиртқич ҳайвонлари гельминтлари фаунасининг ўзига хос хусусиятлари, шаклланиш қонуниятларини, тарқалишини, ташқи муҳитнинг маълум шароитларидан келиб чиққан ҳолда паразитларнинг хўжайинлар билан ўзаро муносабатларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Йиртқич ҳайвонлар гельминтлари назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, тадқиқот объекти сифатида Қорақалпоғистон ҳудудида изланувчилар эътибори кам қаратилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда йиртқич ҳайвонлар гельминтларини тур таркиби, кенг тарқалган ва чорвачиликка зарар келтирувчи вакиллари ўрганиш ҳолати ва кўп йиллар давомида олиб борган тадқиқот ишлар ҳамда мутахассис олимлар томонидан соҳа бўйича чоп этилган ишлар натижаларини таҳлил қилишдир.

Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари. Кўп йиллар давомида Республикаимизнинг турли ҳудудларида йиртқич ҳайвонлар гельминтларини ўрганиш

академик К.И.Скрябиннинг (1928) тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усуллари билан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тадқиқот натижалари ва уларни таҳлили. Ўзоқ йиллар давомида Республикаимизнинг турли ҳудудларида йиртқич ҳайвонлар ва итлар гельминтларини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларнинг натижалари ҳамда бу йўналишда тадқиқот ишларини олиб борган кўплаб гельминтолог олимлар томонидан чоп этилган илмий мақолалар, монографиялар, ҳимоя қилинган диссертациялар чуқур таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда гельминтологик тадқиқотлар биринчи марта XIX асрнинг иккинчи ярмида машҳур рус саёҳатчиси ва Ўрта Осиё тадқиқотчиси А.П. Федченко томонидан ўтказилган.

Гельминтология фанининг асосчиси академик К.И.Скрябин ва унинг шогирдлари А.П. Федченко томонидан бошланган тадқиқотларни давом эттириб, Ўзбекистонда ҳайвонлар гельминтлари фаунасини ўрганишга жиддий аҳамият қаратдилар.

XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида гельминтологик тадқиқотлар бўйича қатор гельминтологик экспедициялар (СГЭ) ўтказилган. Уй ва ёввойи ҳайвонларнинг гельминтлари гельминтологик экспедициялар жараёнида ва қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда ёввойи йиртқич сут эмизувчиларнинг гельминтофаунасини бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Л.Н. Жинкин Самарқанд вилоятида қамиш мушугида нематодаларни қайд этган.

А.М. Петров олиб борган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон тулкиларида 11 турдаги гельминтларни қайд этган бўлиб, улардан 1 тури цестода, 1 - акантоцефала ва 9 тури нематодаларга мансуб эканлигини аниқлаган.

И.Х. Иргашев Самарқанд вилоятида 5 та бўри, 10 та шакал, 45 та тулки ва 6 та ёввойи мушукни гельминтологик ёриб кўрган ва улардан 28 турдаги гельминтларни (2 - трематода, 8 - цестода, 16 - нематода ва 2 турдаги акантоцефалалар) аниқлаган.

Р.Ш. Делянова Ўзбекистон ҳудудида итлар гельминтофаунасини ўрганган. Тадқиқот ишлари Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида 105 та итлар устида олиб борилган. Итлар организмида 20 тур гельминтлар (1 тур трематода, 9 - цестода, 9 - нематода, 1 - акантоцефала) қайд этилган.

И.Х. Иргашев, В.М. Садиков Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 189 та тулкини текширган. Улардан 32 турдаги гельминтларни (трематодалар - 2, цестодалар - 10, нематодалар - 18 ва акантоцефалалар - 2) аниқлаган.

П. Муминов Келесс массивида Караган тулки (*Vulpes vulpes* Karagan Erxl., 1777) гельминтофаунасини ўрганган. Тадқиқотлар жараёнида 17 та тулки (10 та ♀, 7 та ♂) текширилган. Тулкиларда 13 тур гельминтлар (1 – трематода, 3-цестода, 9-нематода) аниқланган. Улардан 5 тури зооантропоноз касалликлар кўзгатувчилари эканлиги исботланган.

Я.Д. Никольский Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги ондатра хўжалиги фермасида диоктофимознинг табиий ўчоғи мавжудлигини қайд этади. Ушбу нематодалар билан 29 та ёриб кўрилган тулкининг 5 таси зарарланганлиги аниқланган. Муаллиф ушбу ҳудудда чиябўриларда ҳам диоктофимоз кўзгатувчисини аниқлаган.

А. Муртазаев Нукус шаҳрида итлар организмида *Dracunculus medinensis* (L., 1758) нематодаси қайд этган. Бу ҳолатни муаллиф бу ҳудудда касалликнинг табиий ўчоғи мавжудлиги билан изоҳлайди ҳамда тиббиёт ва ветеринария мутахассислари учун бу касаллик ўчоғини аниқлаш ва йўқотиш бўйича тадқиқотларни кучайтириш зарурлигини таъкидлайди.

А. Муртазаев кейинги тадқиқотларида Қорақалпоғистонда 19 та чиябўри, 5 та тулки ва 2 та катакда сақланувчи шимол тулкисини текшириб кўрган. Уларда 15 турдаги паразит чувалчангларни (2 турдаги трематодалар, 7 - цестода, 5 - нематода ва 1 тури акантоцефала) аниқлаган.

И.Х. Каиров Қорақалпоғистон ёввойи этхўр ҳайвонлари гельминтофаунасини ўрганган. Тадқиқот ишлари Устюрт платосининг Қорақалпоғистон қисмида олиб борилган. 74 та тулки ва 3 та бўрини текшириб кўрган. Улардан 4 та синф, 27 та туркумга мансуб 27 тур гельминт қайд этилган. Аниқланган турлар ичида ветеринария ва тиббиёт аҳамиятига эга бўлган турларга катта эътибор қаратилган.

И.Х. Каиров Қорақалпоғистон шароитида чиябўриларнинг эпизоотологияси ва эпидемиологиясидаги роли ҳақида янги маълумотларни келтириб ўтган. Текширилган чиябўриларнинг 2 тасида *Trichinella spiralis* личинкаси топилган. Муаллифнинг таъкидлашича, трихинеллез Қорақалпоғистоннинг маълум ҳудудларида тарқалган.

И.Х. Каиров Қорақалпоғистон мўйна олинувчи ҳайвонларнинг гельминтларини ўрганиб чиқди: 77 та тулки, 3 - бўри, 3 - корсак, 28 - чиябўри, 11 - латча, 17 - олақўзан, 25 - шимол тулкиси, 25 та америка норкаси ва 55 - кумуш-қора тулки. Уларда 28 турдаги гельминтлар (4 турдаги трематодалар, 10 - цестода, 13 - нематода ва 1 турдаги акантоцефала) қайд этилган. Бўри, чиябўри, тулки, корсак, латча ва олақўзан организмида трихинелла топилган. Америка норкаларида гельминтлар учрамаган.

П. Мўминов Ўзбекистоннинг турли ландшафт-географик ҳудудларидан 98 та тулки, 6 - чиябўри, 5 - корсак, 12 - тоғ сусари, 21 та кичик бўрсик, 11 - олачипор мушук, 8 - қамиш мушуги, 13 - бархан мушуги, 1 - сариқ сассик кўзан, 2 - эрон қундузини гельминтологик нуқтаи назаридан текшириб кўрган. Йиртқич ҳайвонларда 41 турдаги гельминтларнинг (1 - трематода, 17 - цестода, 21 - нематода ва 2 - акантоцефала) паразитлик қилишини аниқлаган.

Н.М. Матчанов Бухоро вилоятида 110 та тулкини гельминтологик текшириб, улардан 29 турдаги паразит чувалчангларнинг (1 - трематода, 14 - цестода, 12 - нематода ва 2 - турдаги акантоцефала) паразитлик қилишини исботлаган.

М.А. Султанов, Ф.С. Саримсақов, П. Мўминов ва бошқалар Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманидаги мўйначилик хўжалигида 45 та шимол тулкисини, 19 - кумушсимон қоратусли тулки, 46 - америка норкаси, 1 - чиябўри, 1 - корсак ва 2 - олақўзанларни текширганлар. Улар 12 турдаги гельминтларни (4 тур цестода, 7 - нематода ва 1 - акантоцефала) аниқлаганлар. Барча кумушсимон қора тулки, америка норкаси ва олақўзанлар гельминтлардан холи эканлиги исботланган.

Р.Е. Бекиров Самарқанд ва Бухоро вилоятларида 110 та тулки, 43 - чиябўри, 12 - корсак, 2 - бўри ва 26 - ёввойи мушукларни гельминтологик текшириб кўрган. Муаллиф 32 турдаги гельминтларни (1 тур трематода, 15 - цестода, 14 - нематода ва 2 - акантоцефала) аниқлаган.

Ўша даврда Ўзбекистонда йиртқич ҳайвонлар гельминтлари ўрганиш даражаси шуни кўрсатадики, республикада 600 га яқин тулки, 108 - чиябўри, 86 - ёввойи мушук, 21 - барсук, 12 - бўри, 12 - тоғсусари, 23 - корсак, 19 - олақўзан ва 11 - латча гельминтологик текшириб кўрилган. Қафасда сақланадиган ҳайвонлардан 103 та кумушсимон қора тусли тулки, 67 та ҳаво ранг шимол тулкиси ва 71 та америка норкалари текширилган. Уларда 57 турдаги гельминтлар (трематодалар - 4, цестодалар - 19, акантоцефалалар - 2 ва нематодалар - 32) аниқланган.

Е.К. Кошанов Ўзбекистонда ёввойи сут эмизувчиларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражасини ўрганган. Муаллиф 6 туркум, 14 оиласига мансуб, 38 тур ёввойи сут эмизувчи ҳайвонларни текширган. Текширилган ҳайвонларнинг зарарланиш даражаси 40,1% ни ташкил этган. Ёввойи сут эмизувчи ҳайвонларнинг туркумлари кесимида гельминтлар билан зарарланиш даражаси ўрганиб чиқилган.

Е.К. Кошанов “Орол-Пайғамбар” кўрикхонасида ёввойи сут эмизувчи ҳайвонларнинг гельминтофаунасини ўрганган. Кўрикхона ҳудудида 5 туркум, 7 оила ва 9 авлодга мансуб 9 тур (190 индивид) гельминтологик ёриб ўрганилган. Текширилган 190 та ҳайвоннинг 113 таси гельминтлар (59,4%) билан зарарланганлиги тасдиқланган бўлиб, уларда 37 тур паразит чувалчанглар (1 тур трематода, 16 - цестода, 2 - акантоцефала, 18 -

нематода) аниқланган. Кичик оқтиш сичқон биринчи маротаба гельминтологик жиҳатдан текширилган.

М.А. Султанов, Д.А. Азимов ва б. монографиясида уй итлари ва мушукларининг гельминтофаунаси тўғрисида маълумотлар берилган. Итларда 4 синфга мансуб 32 тур гельминтлар (2 - трематода, 13 - цестода, 1 - акантоцефала, 16 - нематода) қайд этилган. Уларнинг 28 тури биогельминт, 4 тури геогельминт ҳисобланади. Қатор турлар антропозооноз касалликлар кўзгатувчиси сифатида кўрсатиб ўтилган. Уй мушукларида 2 синфга мансуб 19 тур гельминтлар (9 тур цестода, 10 - нематода) қайд этилган. Уларнинг 15 тури биогельминт, 4 тури геогельминт эканлиги аниқланган.

М.Х. Исанкулов қорақўл қўйлари ларваль тениидозлари паразитоценози ва инвазиянинг ҳайвонлар маҳсулдорлиги, хўжайин орган ва тўқималари ДНК ва РНК концентрациясига таъсирини ўрганган. Ларваль цестодозларнинг тарқалишида йиртқич ҳайвонларнинг роли очиб берилган.

Ю.М. Зимин Ўзбекистонда яйловда боқиладиган қўй ва эчкилар гельминтларининг экологик хусусиятларини ўрганган. Қўй ва эчкиларда 49 тур гельминтлар қайд этилган бўлиб, цестодаларнинг ларваль босқичида паразитлик қилувчи турлари вояга етган шаклда йиртқич ҳайвонлар организмда паразитлик қилиши қайд этилган.

Т.К. Кабилов ҳашаротлар иштирокида ривожланадиган гельминтларнинг биологик хусусиятларини ўрганган. Ҳашаротларда 103 тур гельминтларнинг личинкали шакллари қайд этилган бўлиб, улар 4 синф, 10 кенжа туркум, 19 оила ва 46 авлодга мансуб. Инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги ҳамда турлар хилма хиллиги бўйича нематодалар доминантлик қилади. Қайд этилган гельминтлар личинкаларининг аксарият қисми жинсий вояга етган шаклда ёввойи ҳайвонларда, шу жумладан йиртқич ҳайвонларда паразитлик қилиши исботланган.

В.И. Таряников Сирдарё дарёси ўрта оқими худудида яшовчи чиябўриларнинг паразитларини ўрганган. Чиябўриларда эктопаразитлардан 4 тур бурга - *Pulex irritans*, *Ctenocephalides canis*, *Ct. felis*, *Coptosylla lamelliferdubini* ва 2 тур кана - *Rhipicephalus turanicus*, *R. Pumilio* қайд этилган. Эндопаразитлардан 8 тур нематода паразитлик қилиш аниқланган: *Dioctophyma renale*, *Uncinaria stenocephala*, *Toxascaris leonina*, *Toxocara canis*, *T. mystax*, *Rictularia affinis*, *Dirofilaria immitis* ва *D. repens*. Ўша вақтда *D. immitis* нематодаси Ўрта Осиёда чиябўрилар ўртасида илк бор қайд этилган эди.

Д.А. Азимов Schistosomatida (Skrjabin et Schulz, 1937) туркуми трематодаларининг эколого-таксономик таснифи ва кишлоқ хўжалик ҳайвонлари ориентобильгарциози профилактикасининг биологик асосларини ўрганган. Ушбу туркум вакиллари уй йиртқичлари ўртасида ҳам паразитлик қилиши ва уларнинг зарарланиш даражаси исботланган.

Р.Р. Муфазалов Ўзбекистон тоғ экотизимлари қўйлари гельминтларининг структураси ва ҳаракат қилишини ўрганган. Гельминтозларда эпизоотик жараён схемаси изоҳланган бўлиб, йиртқич ҳайвонларнинг бу жараёндаги роли баҳоланган. Қўйлар эхинококкози ва ценурозининг тарқалишида уй ва ёввойи йиртқич ҳайвонлар эпизоотологик ва эпидемиологик роль ўйнаши кўрсатиб ўтилган.

Э.Ф. Икрамов, Д.А. Азимов Фарғона водийси амфибиялари гельминтофаунасини ўрганган. Амфибияларда 12 оила, 26 авлодга мансуб 32 тур гельминтлар қайд этилган. Амфибиялар қайд этилган гельминтлар учун нафақат асосий хўжайин, балки оралик, қўшимча ва резервуар хўжайин вазифасини бажаришлиги кўрсатиб ўтилган. Личинкалар шаклида қайд этилган гельминтларнинг вояга етган шакллари йиртқич ҳайвонларда ҳам паразитлик қилиши аниқланган.

Э.Б. Шакарбоев умуртқали ҳайвонлар трематодаларини тадқиқ этиш жараёнида, йиртқич сут эмизувчи ҳайвонлар трематодаларини ҳам ўрганган. Carnivora туркумига мансуб ҳайвонларда (бўри, корсак, уй мушуги, тулки, ит, чиябўри, сариқ сассикқўзан) 6 тур трематода қайд этилган. Трематодаларнинг хўжайинлар бўйича тақсимланиши, уларнинг

зарарланиш даражаси, куруқлик ценозларида инвазиянинг циркуляция қилиш йўллари, ўзига хослиги тадқиқ этилган ва инвазияга қарши кураш чора-тадбирлари тавсия этилган.

Д.А. Азимов ва б. “Сут эмизувчи ҳайвонлар трематодалари – ориентобильгарциялар” монографиясида *Orientobilharzia* авлодига мансуб 4 тур тўлиқ тавсифлаб берилган. Бу турларнинг йиртқич ҳайвонлар ўртасида ҳам учрашлиги қайд этиб ўтилган.

Қ.А. Сафаров Ўзбекистонда сут эмизувчилар филяриатлари фаунаси, тарқалиши ва экологиясини ўрганган. Ўзбекистон сут эмизувчиларида филяриатларнинг 23 тури паразитлик қилиши аниқланган бўлиб, уларнинг 2 тури йиртқичлар туркуми вакилларида учраши келтирилган.

У.А. Шакарбаев Ўзбекистоннинг шимоли-шарқидаги чучук сув моллюскаларида 2 та кенжа синф, 10 та туркум, 12 та оила, 20 та авлодга мансуб 25 та тур трематода церкариялари аниқланган. Қайд этилган церкарияларнинг вояга етган шакллари ёввойи сут эмизувчилар организмида ҳам паразитлик қилиши аниқланган.

А.А. Сафаров ва б. Тошкент мегаполисида уй итлари гельминтофаунасини ўрганган. Итларда 3 та синфга (*Cestoda*, *Acanthocephala*, *Nematoda*) мансуб 21 тур гельминтлар, *Arachnida* ва *Insecta* синфларига мансуб 16 тур эктопаразитлар қайд этилган. Итлар популяцияларининг гельминтлар билан умумий зарарланиши 93,7%, каналар – 65,6%, хашаротлар – 53,7% тақшил этган.

А.А. Сафаров Тошкент мегаполиси шаҳар итларининг экто - ва эндопаразитлар фаунаси аниқлаган. Итларда 3 та (*Cestoda*, *Acanthocephala* ва *Nematoda*) синфларига мансуб 21 тур гельминт учрашлиги ҳамда шаҳар итларининг гельминтлар билан умумий зарарланиш даражаси 93,7% ни ташкил этганлиги аниқланган. Итларда *Arachnida* ва *Insecta* синфларига мансуб бўлган 17 турдаги эктопаразитлар: каналар билан умумий зарарланиш – 65,6% ва хашаротлар билан зарарланиши – 53,7% эканлиги исботланган. Тошкент мегаполиси шароитида итларнинг асосий гельминтозларини олдини олиш бўйича эколого-эпизоотологик асосларнинг инновацион модели ишлаб чиқилган.

А.С.Бердибаев Қорақалпоғистон ҳудудида йиртқич ҳайвонлар гельминтлари тур таркиби комплекс тарзда ўрганиб, 3 тип, 4 синф, 13 туркум, 25 оила, 39 авлодга мансуб 53 тур гельминтларни аниқлаган. Бўрилар гельминтофаунаси 22 та турдан, тулкилар – 40 та, чиябўрилар - 25 та, бўрсик – 16 та, қамиш мушуги – 27 та турдан иборат эканлигин аниқлаган.

Йиртқич ҳайвонларнинг гельминтлар билан зарарланишининг инвазия экстенсивлиги 1,0% дан 51,6% га, инвазия интенсивлиги 1-147 нусхани ташкил этиши ва ҳайвонларнинг зарарланиши мавсумга қараб ўзгариб туришини аниқлаган.

Хулоса. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаги йиртқич ҳайвонлар гельминтлари фаунасини, ҳайвонларнинг зарарланиш даражасини, гельминтозлар эпизоотологияси ва эпидемиологиясини ҳамда инвазиянинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тадқиқотлар олиб боришга гельминтолог олимларнинг қизиқишлари жуда юқори эканлиги қўзатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бердибаев А.С. Қорақалпоғистон йиртқич сут эмизувчилари (*Mammalia: Carnivora*) гельминтлари.: Автореф. дисс. ... био. фан. фалсафа. докт. (PhD) – Ташкент, 2021. - 44 с.
2. Сафаров А.А., Акрамова Ф.Д., Шакарбаев У.А., Азимов Д.А. Паразитофауна домашней собаки (*Canis familiaris Dom.*) современного мегаполиса Ташкен // Российский паразитологический журнал. - Москва, 2018. – Т.12. Вып.4. – С. 41-49.
3. Сафаров А.А. Тошкет мегаполиси итлари (*Canis lupus familiaris*) паразитлари фаунаси ва экологияси.: Автореф. дисс. ... био. фан. фалсафа. докт. (PhD) – Ташкент, 2020. - 42 с.

4. Султанов М.А., Азимов Д.А., Гехтин В.И., Муминов П.А. Гельминты домашних млекопитающих Узбекистана. –Ташкент. «Фан», 1975. - 188 с.
5. Султанов М.А., Сарымсаков Ф.С., Муминов П., Давлатов Н., Гехтин В.И., Рахимкариева А.Х., Зимин Ю.М., Кабилов Т., Муминов Э.Н., Кошанов Е.К., Бувабоков М. Гельминты животных Каракалпакской АССР // Паразиты животных и человека низовьев Аму-Дарьи. – Ташкент: «Фан», 1969.- С. 3 - 65.
6. Султанов М.А., Азимов Д.А., Гехтин В.И., Муминов П.А. Гельминты домашних млекопитающих Узбекистана. –Ташкент. «Фан», 1975. - 188 с.
7. Тарянкин В.И. Паразиты шакала *Canis aureus aureus* L. в среднем течении реки Сырдарьи // Паразитология. – Москва, 1983. - XVII. 6.- С. 478-480.
8. Шакарбоев Э.Б. *Orientobilharzia turkestanica* (Skrjabin, 1913) – *Bos taurus* Linnaeus, 1758 паразит - хўжайин системасидаги эколого-функционал ўзаро муносабатлар.: Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. –Тошкент, 1996. – 23 с.
9. Шакарбоев Э.Б. Ўзбекистонда умуртқали ҳайвонлар трематодлари (тур таркиби, циркуляция йўллари, эколого-биологик хусусиятлари): Автореф. дисс. ... докт. биол. наук. – Тошкент, 2009. – 38 с.
10. Шакарбаев У.А. Ўзбекистон шимолӣ-шарқӣ сув ҳавзалари моллюскаларида (Gastropoda: Pulmonata) трематода церкарияларининг фаунаси ва экологияси.: Автореф. дисс. ... биол. фан. фалсафа докт. (PhD) - Тошкент, 2017. - 46 с.

BUZAWLARDIN KINDIK GRIJASI KESELLIGIN EMLEWDE TURLI OPERATIV USILLARDIN SALISTIRMA ANALIZI

Omirezakov G.Sh., Yesboganova M.M.

*Samarqand mámleketlik veterinariya medicinası, sharwashılıq hám biotexnologiyalar
universiteti Nókis filiali*

Kirisiw. Kindik grija (hernia umbilicalis) buzawlarda eń kóp ushırasatúgın tuwma yamasa arttırılğan xirurgiyalıq patologiyalardan biri. Bul jaǵdayda qarın diywalındaǵı bulshıq et hám fasciya qatlamlarınıń hásiz jerinde ashılıw payda bolıp, ishki aǵzalar yaki olardıń qaplamaları sırtqa shıǵadı. Kóbinese kindik grija buzawlarda tuwılǵannan soń birinshi háptelerde anıqlanadı hám infekciyalıq procesler, travma yamasa násillik faktorlar menen baylanıslı boladı.

Ilmiy dereklerge qaraǵanda, buzawlarda kindik grija kóbirek erkek jınıslı haywanlarda ushırasadı. Bul jaǵday erkek haywanlarda preputinal qaptń jaylasıwı sebepli kindik aymaǵında bulshıq etlerdıń rawajlanıwında anatomiyalıq hásizlik penen baylanıslı. Kindik aymaǵınıń sepsisi, nadurıs dezinfekciya, kindik jipiniń qolda úziliwi, tuwıw waqtındaǵı mexanikalıq basım yamasa tartılıwlar, sonday-aq, násillik beyimlilik usı keselliktiń rawajlanıwına sebep boladı.

Evropa mámleketlerinde buzawlarda kindik grijasın emlewde zamanagóy qatnaslar keń qollanımaqta. Atap aytqanda, Germaniyada laparoskopik herniorrafiya hám protezli xirurgiyalıq texnikalar nátiyjeli dep tabılğan. Bul usıllar arqalı operaciya aymaǵı minimal travmatizaciya menen emlenedi hám irińleniw qáwpi sezilerli azayadı. Daniyada bolsa jergilikli awırıwsızlandırıw menen orınlanatúgın operativ herniorrafiya usılları ámeliyatqa keńnen engizilgen bolıp, ol buzawlar ushın qáwipsiz hám tez pitetuǵın dep esaplanadı.

GMĐA mámleketlerinde bolsa veterinariya xirurgiyasında házir de klassik ashıq hám jabıq herniorrafiya usılları tiykarǵı orındı iyeleydi. Sonıń menen birge, sońǵı jıllarda yarım ashıq herniorrafiya usılı eksperiment sıpatında qollanımaqta. Bul qatnasta grijanıń tek shetki bólimi ashıladı, ishki qarın qaqpası tolıq ashılmaydı. Nátiyjede, infekciya qáwpi azayadı, operaciya aymaǵı tezirek pitedi hám buzawlarda stress dárejesei tómén boladı.

Qaraqalpaqstan Respublikası sharayatında sharwashılıq penen shuǵıllanıwshı xalıqtıń úylerinde buzawlarda kindik grija kóp jaǵdaylarda anıqlanmaqta. Jergilikli veterinariya ámeliyatında bolsa emlewde kóbirek ashıq usıldan paydalanıladı, bul bolsa infekciyalıq